



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 19 июнь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (12.682)

Баҳоси эркин нарҳда

ПРЕЗИДЕНТЛАР САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 18 июнь куни Самарқанд шахрига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Мирзо Улуғбек бунёд этган мазкур иншоот аж-доқларимиз зақоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизлари-дан далолат беради. Пак Кин Хэга машҳур олим ва давлат арбоби ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

— Расадхонага киришим билан Мирзо Улуғбекнинг қанчалар буюк даҳо ва улкан иқтидор эгаси бўлганини ҳис этдим, — деди Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари «Афросиёб» музейида бўлдилар. Ундаги экспонатлар халқимиз давлатчилик тарихидан, мамлакатимизда қадимдан хунармандчилик ва савдо-сотик ривожлангани, халқаро алоқалар кенг йўлга қўйилганидан ҳикоя қилади. Деворий суратлардан бирида Афросиёб (қадимги Самарқанд) ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими акс этган. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи бир неча асрларга бориб тақалишдан далолат беради.

«Афросиёб» музейи ҳудудида ташкил этилган «Буюк Ипак йўлидан» деб номланган боғ мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир намунаси. Бу ерда жадал ривожланаётган Ўзбекистон ва Жанубий Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги рамзи сифатида ёдгорлик ўрнатилган.

Корея Республикаси Президенти Регистон мажмуини диққат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Президент Ислон Каримов раҳнамолигида буюк аждоқларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга юксак баҳо берди.

Пак Кин Хэ Регистон мажмуида миллий хунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди, Самарқанд гилам-ларининг тўқилиш жараёни билан қизиқди.

Жанубий Корея раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Соҳибқироннинг сўнмас хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихининг тимсоли, меъморлик санъатимизнинг юксак намунаси бўлган Самарқанд шаҳридаги бетакрор обидалар ўзида унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи самарали бўлди. Ташриф асносида давлатлараро, вазирлик ва идоралар даражасида қатор манфаатли келишувларга эришилди. Имзоланган ҳуж-жатлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига ilk давлат ташрифи якунига етди. Жанубий Корея раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислон Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

**Ирода УМАРОВА,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенга-ши томонидан таклиф қилин-ган кун тартиби тасдиқланган-идан сўнг депутатлар жамия-тимиз ҳаётнинг турли соҳала-ридаги фаолиятнинг ҳуқуқий негизини янада такомиллашти-ришга қаратилган қатор дол-зарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент куйи палатаси аъзолари Президент Ислон Каримов томонидан 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис иккала палатаси-нинг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқа-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

риш доирасида ишлаб чиқил-ган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси-га алоҳида эътибор қаратди-лар. Қонун лойиҳаси Қонунчи-нинг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда де-мократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқа-

Унда ижтимоий шериклик ту-шунчаси, унинг субъектлари, принциплари ва асосий соҳа-лари аниқ таърифланган, дав-лат органларининг ННТ ва фу-қаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорли-гининг ташкилий-ҳуқуқий про-цессуал механизмлари, улар-нинг ижтимоий ва социал аҳамиятга молик муаммоларни

ҳал этишдаги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилар-монлик ва социал фаоллигини оширишдаги иштироки шакл-лафи ҳамда усуллари аниқлаш-тирилган.

Ижтимоий шерикликни яна-да ривожлантириш, мамлакат-ни демократик янгилаш ва мо-дернизация қилиш бўйича ис-лохотларни муваффақиятли

амалга ошириш учун ҳокимият-нинг маҳаллий вакиллик ҳамда ижро этувчи органларининг роли ва масъулиятини оши-риш, шунингдек, фуқаролик институтларини тегишли ҳудуд-да ижтимоий аҳамиятли маса-лаларни ҳал этишга жалб этиш учун қўшимча қўлай шарт-шароит-лар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссия-ларини ташкил этиш, шунинг-дек, ҳокимиятнинг тегишли минтақавий вакиллик органла-ри ҳузурида ижтимоий шерик-ликда иштирок этувчи ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа ин-ститутларини қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли фондларни ту-зиш назарда тутилган.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



(ЎЗА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларининг навбатдаги битирувчилари Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини бажариш — юртимиз тинчлиги ва халқимиз оқолини таъминлаш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти ва мулкни ҳимоя қилишга тайёр.

БИТИРУВЧИЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-зирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник би-лим юрти ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида битирувчиларга диплом топириш маросимларида уларнинг она-оналари, фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри, жамоат ташкилотлари вакиллари ишти-рок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вази-ри, генерал-майор А.Аҳмедбаев Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида ички ишлар органлари ти-зимини ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкид-лади. Бунда юксак маънавият ва интеллект-уал салоҳиятга эга, ҳуқуқ-тартибот ва жа-моат ҳавфсизлигини таъминлашга қодир етук кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти битирувчилари айнан шундай хусусиятларга эга. Бу ерда курсантларни юқори даражада ўқитиш ва машғул олиб бориш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Билим юртида

ташкил этилган компьютерда моделлашти-риш ва симуляция маркази, ўқ отиш бўйича компьютерлаштирилган тренажёрлар, элект-рон ўқитиш воситалари, мультимедиа лабо-раториялари ўқитиш сифати ҳамда самара-дорлигини оширишга ёрдам бераётир. Ўқув машғулотлари билан биргаликда техник, умумқўшин машғулоти, махсус тактика ва алоқани йўлга қўйиш дарслари ўқитилмоқда, қатор спорт турлари бўйича секциялар фаолият юритилмоқда.

— Бугун биз учун ҳаяжонли ва унутилмас кундир, — дейди билим юрти битирувчиси фарғоналик Шаҳбоз Назаров. — Мустақил ҳаётга йўлланма олар эканмиз, Ватанимиз, Президентимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қиламиз.

Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби би-тирувчилари ҳам келажақда ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Бу ерда ёнгин хавфсиз-лиги, моддий бойликларни қўриқлаш ва асраб-авайлашни таъминлаш бўйича юқори малакали офицер мутахассислар тайёрланмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири**



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қорақалпоғистонлик пилла-корлар давлатга ҳосил топши-риш шартнома режасини ортиги билан бажарди. Жорий йилда ҳудудда 1 минг 452 фермер хўжалигида 14 минг кути ипак курти парваришланиб, шартно-мада белгиланган 810 тонна ўрнига 820,4 тонна юқори си-фатли пилла топширилди. Аму-дарё, Элликқалъа ва Кегейли туманлари пиллакорлари би-ринчилардан бўлиб шартнома режасини бажарди.

• Нукусда ўсмирлар ва қиз-лар ўртасида «Маҳалламиз паҳ-лавонлари» спорт мусобақала-рининг Қорақалпоғистон Рес-публикаси босқичи бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон пиллакорлари 26 минг тонна пилла тайёрлаб, йиллик шартнома мажбурия-тини муваффақият билан ба-жарди.

• Фарғонада вилоят ҳокимли-ги, вилоят халқ таълими бош-қармаси ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Жорий йилнинг 13-14 ок-тябрь кунлари пойтахтимизда Х Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.

ЖАҲОНДА

• Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, май ойида Европа Иттифоқи ҳуду-дида 1 миллиондан зиёд янги машина сотилган. Бу ўтган йил-нинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоиз кўпдир. Йил бошидан буён эса ўсиш кўрсаткичи 6,9 фоизни ташкил қилди.

• Малайзиянинг гарбий соҳи-лида кема ҳалокатга учради. Воқеа юз берган вақтда сув транспортида 97 киши бўлган ва тахмин қилинишича, улар Индонезиядан келаётган ноқо-нуний мигрантлар эди. Ҳалокат оқибатида 60 нафардан ортиқ одам бедарак йўқолган.

• Яқин беш йил ичида дунё бўйича смартфонлар энг ом-мабоп технологияга айланади ва персонал компьютерларга нисбатан олти барабар кўп со-тилади. «IDC» компанияси ана шундай тахминни илгари су-раяпти. Масалан, жорий йил-да бу каби «ақлли телефон»-лар савдоси 15,6 фоиз ошиб, 1,8 миллиард донани ташкил этади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Мамлакат-ни ислоҳ этиш ва модернизация

қилиш жараёнида раҳбар кадр-ларни тайёрлаш ва қайта тайёр-лаш масалалари: муаммо, ечим ва янги тажрибалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Ёзувчилар уюшмасида «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида ёш ижод-корларнинг ilk китоблари тақ-димоти ўтказилди.

✓ **15-ОИЛАВИЙ** поликлини-када «Соғлом фарзанд — ке-лажак пойдевори» мавзусида тиббий-ижтимоий тадбир уюш-тирилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари бозорини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари бозорини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори бу борада дастуруламал бўлаётди.

Қишлоқ ҳойлардаги намунавий уй-ҳойлар қурилиши учун пишиқ ришт ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 960 тага етди. «Оҳангаронцемент», «Қизилқумце-

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

мент», «Бекободцемент», «Куваасойцемент» корхоналари тўла қувват билан ишламоқда. Керамзит ва гипс конларидан сифатли қурилиш ашёлари олинмоқда. Жорий йилнинг беш ойида намунавий лойиҳалар асосидаги уй-ҳойлар қурилиши учун 400 минг тонна цемент, 309 минг квадрат метр қурилиш ойнаси каби маҳсулотлар улгуржи нархларда етказиб берилди.

Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулот тури кўпайгани сари уларнинг сифати ҳам ошмоқда, — дейди компания бошқарма бошлиги ўринбосари Уткир Турдиев. — Бу эса маҳсулотларимизнинг хориж бозорларида ҳам ўз ўрнини топишни таъминламоқда. 2013 йилда қарийб 75 миллион доллар миқдордаги маҳсулот, хусусан, юқори ва махсус маркали цемент, қуруқ аралаш-

малар, гипсокартон, полимер плёнкалар, алюмин-пластик панеллар экспорт қилинди. Жорий йилнинг олти ойида бу кўрсаткич 42 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш борасида ҳамкорлик қилишга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Масалан, Жанубий Кореянинг «Jaal & Bridge International LTD» компанияси билан ҳамкорликда юқори сифатли архитектурaviй пардозбop гиштлар, «Stroy Max Invest» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонасида эса газобетон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Ангрен» махсус индустриал зонасида архитектурaviй пардозбop гиштлар, керамик гиштлар, гипс қукуни, гипсокартон, глазуранган керамогранит ва

керамик плиткалар ҳамда санитар керамика буюмларини ишлаб чиқариш лойиҳалари устида ишлар олиб боришмоқда. Цемент ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоралари доирасида «Бекободцемент»да қуруқ усулда йилига 850 минг тонна цемент ишлаб чиқарадиган янги линия ишга туширилди. Андижон вилоятидаги «Sing Lida» қўшма корхонаси ва Фарғона вилоятидаги «Фарғона цемент» масъулияти чекланган жамиятида ҳам цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 июлдаги «Жиззах вилоятида портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Зафаробод туманида йилига 350 минг тонна оқ цемент ёки 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқарувчи корхона қуриб битказилди.

Анжуманда компания томонидан янги турдаги замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ташқи ва ички бозорларда маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамоатчилик комиссиялари фаолияти Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг фаолияти давомида ўзини оқлаган принциплар асос қилиб олинди.

Аҳолининг ижтимоий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўсган шароитларда қонун лойиҳаси давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизимини яратиш имконини беради, уларнинг амалий мулоқотда бўлишини ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарадорлигини оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳоли кенг қатламларининг манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинишига қўмаклашди.

Қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шу жумладан, чет мамлакатлар қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни атрофича таҳлил қилиш асосида тайёрланди. Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳаси барча даражадаги депутатлар, вазирликлар ва идоралар экспертлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтди. Ҳужжатни такомиллиги етказиш чоғида унинг айрим қоидаларини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатнинг барча минтақаларида ўтказилган қўллаб қўллаш конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа учрашувларнинг натижаларидан фойдаланилди. Энг қимматли гоа ва тақлифлар иккинчи ўқишга тайёрланган қонун лойиҳасининг матнига киритилди.

Қонун лойиҳасини ҳар томонлама моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Қонунчилик палатаси ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир моддасини муҳокама қилиш жараёнида билдирилган барча фикрларни эшитиб ва муҳокама этиб, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Қонун тартибидоги кейинги масала «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг махфий ахборотга, шу жумладан, ҳимояланиши шарт бўлган тижорат сирига тааллуқли маълумотлар рўйхати тасдиқланган қарорларига мувофиқ тайёрланди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси қоидаларига асосланади ва тижорат сирининг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Қонун лойиҳасида асосий тушунчалар, тижорат сирига нисбатан талаблар, тижорат сирини ташкил этмайдиган маълумотлар, тижорат сири мулкдорининг ҳуқуқлари, уни ҳимоя қилиш чоралари, бошқа ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Қонун лойиҳасининг мақсади ахборотни тижорат сири тоифасига киритиш, уни тизимлаштириш ва тақдим этиш масалаларини қонунчилик йўли билан тартибга солишни таъминлашдан иборатдир. Бу ҳужжали юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини бозор рақобати шароитида, айнисқа, рақобат инсофсиз хусусиятга эга бўлган ҳолларда ҳимоя қилиш зарурати билан изоҳланади. «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг таркибий тузилишини шакллантиришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари тўла акс этишини инобатга оладиган, долзарб бўлмаган қоидаларни истисно этадиган ва ҳавола қилувчи нормалар сонини чеклайдиган ёндашув танланди. Қонун лойиҳасининг муфассал мазмунга эга эканлиги унинг фойдаланишга қулайлигини ва ҳужжали юритувчи субъектлар, давлат ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун бир хил тушунилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳаси бир қанча ҳуқуқий янгиликларни ўз ичига олган бўлиб, у қабул қилинган тақдирда жамият манфаатлари соҳасидаги тижорат сири режимини белгилаш жараёнининг қонунчилик йўли билан тартибга солинишини анча яхшилайдди. Мазкур ҳужжат тижорат сири эгаларининг ҳуқуқларини ушбу муносабатларни самарали норматив, шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини яратишга имкон беради. Тижорат сирига эгаллик қилиш асослари, шарт-шароитлари ва ушбу ҳуқуқни тугатиш чегараларининг мустаҳкамлаб қўйилиши, тижорат сири эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш тартиб-таъминининг тартибга солиниши ушбу ҳуқуқнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокама иштирокчилари яна таъкидладиларки, қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда унинг нормаларини рўйбга чиқариш ҳужжали юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратади, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш янгиликлари, ноу-хау ва инновацияларни янада ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилга айланади, бу эса, пировард натижада, иқтисодиётнинг юксалишига ва Ўзбекистон Республикасининг равангига қўмаклашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси моддама-модда муҳокамадан сўнг ушбу қонунни қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети битирувчиларнинг магистрлик диссертацияси ҳимояси бевосита ишлаб чиқариш муассасаларида ўтказилмоқда.

Бу йил журналистика факультети магистратура босқичи битирувчилари диссертацияларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ҳимоя қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 апрелдаги 2014 йилга мўлжалланган миллий журналист кадрлар малакасини ошириш ва хорижий ОАВ тажрибасини ўрганиш борасида белгиланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ўтказилган тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим, вазирлиги, марказий газет ва журналлар тахриратлари вакиллари, мазкур олий ўқув юрти ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Миллий

университети ректори Ф.Мухамедов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, айнисқа, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор, уларнинг ўз истеъдод ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун яратилаётган шароит ва имкониятлар мамлакатимиз барқарор тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлаётганини таъкидлади. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга илҳом таътиб этилаётгани ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллаши, турли йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб бориши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ

Антропоген ва табиий омиллар туфайли сайёрамизда ҳар йили минг-минглаб гектар ерлар чўлга айланмоқда.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бу глобал экологик муаммо инсон саломатлиги ва жамият ривожига жиддий зарар етказаетир. Унинг олдини олиш, ушбу долзарб масалага инсониятнинг эътиборини кенгроқ жалб этиш, экологик муаммага қарши курашда ҳамкорлиқни кучайтириш мақсадида БМТ томонидан 1994 йилда Чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш бўйича конвенция қабул қилинган. Дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо бўлган ушбу халқаро ҳужжатда қургўқчил минтақаларда аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва асраш, қургўқчиликнинг оқибатларини юмшатиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Пойтахтимизда 17 июнь — Жаҳонда чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш кунига бағишланган давра суҳбатига шу ҳафта сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган атроф-муҳит ҳолати мониторингинг, ўрмонлар ва биодиверситетни асраш лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, эколог мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Гидрометеорология хизмати маркази бош директорининг биринчи ўринбосари Б.Нишонов, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари К.Содиқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жамиятимизнинг барча тармоқларини модернизациялаш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар жараёнида чўлланишнинг олдини олиш, инсон омилининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилаётган доимий эътибор барқарор ривожланишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз бўйналанишда миллий ва минтақавий вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, халқаро миқёсдаги глобал экологик муаммоларнинг олдини олишга оид тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда. БМТнинг чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш бўйи-

ча конвенцияси 1995 йилда давлатимиз томонидан ратификация қилинган. Унинг доирасида зиммага олинган мажбуриятларни бажариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётди.

Ер, сув ва биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш, биологик хилма-хилликни асраш, қишлоқ ҳўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш, глобал иқлим ўзгаришининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга таътиб этилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётди. Мазкур фармонда белгиланган вазифалар ўз вақтида ижро этилиши натижасида юртимизда ўтган давр мобайнида бир ярим миллион гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Сўғориш тизимларини модернизациялаш, қишлоқ ҳўжалигида томчилатиш сўғориш жорий этиш, яйловлар дeгpадациясини камайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ҳаётга таътиб этилаётган ер ресурсларини бошқариш бўйича миллий салоҳиятини янада юксалтиришга йўналтирилган дастур доирасида яйловлардан, тоғли ва чўл ҳудудларидаги лалми ерлардан оқилона фойдаланиш орқали табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга инсон омилининг салбий таъсирини камайтиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Давра суҳбатига мамлакатимиздаги давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар, илм-фан муассасалари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳамкорлигида ҳаётга таътиб этилаётган илмий-амалий лойиҳалар самаралари, чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш бўйича орттирилган илгор тажрибалар, уларни оммалаштириш, бу борадаги илмий-амалий лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

МУРОЖААТЛАРГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кенг миқёсда ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб, уларга Конституциямизда белгиланган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларидан, жумладан, мурожаат ҳуқуқидан ҳам эмин-эркин, тўлиқ фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Прокуратура органларига юридик ва жисмоний шахслардан келаятган турли мавзулардаги мурожаатлар шундан далолат беради.

Шайхонтохур туман прокуратурасида ҳам «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Республика Бош прокуратурининг 2004 йил 12 декабрдаги «Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида»ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб, мурожаатларни ўз вақтида, ҳар томонлама ва ҳолисона ҳал қилиш, бунда асосан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида қайд этилган қонун ижроси юзасидан туман ҳокимлиги, назорат-тектириш идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасаларда текширишлар ўтказилганда айрим раҳбар ва масъул шахслар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жағғармасынинг Шайхонтохур туман бўлимида 2014 йилнинг 4 ойи давомида фуқароларнинг мурожаатларини қўриб чиқиш муддатларини бузиб, 3 та мурожаат қонунда белгиланган муддатдан кечиктириб ҳал қилинган. Шунингдек, фуқароларнинг 7 та мурожаати қонунда белгиланган ўн беш кунлик муддат ўтганлигига қарамаддан ҳал қилинмаган.

Ўтазилган текшириш давомида шу каби қонунбузилиш ҳолатларига туман тиббиёт бирлашмаси, туман суд икroчилари бўлими, туман электр тармоқларида ҳам йўл қўйилганлиги аниқланган. Текшириш натижаси бўйича туман прокуратураси томонидан қонунбузарларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, суд томонидан ҳуқуқбузарларга маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилиши таъминланди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шундай экан, бу борада аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Забихулла ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Шайхонтохур туман прокуратурининг ўринбосари



ЖАҒАПЛИК ТЕЛЕДСТУРЛАР

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Коинот тилсими». Х/ф.
07.30 Миллий сериал: «Фидойилар».
08.00 «Тахилнома».
08.40 «Тинч океани». Х/ф.
09.30 «Кўнгил ободлиги».
09.55 «Икким».
10.00 «Рухшунос». Т/с.
10.45 «Чангитингтоннинг қувнок паровозчалари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.25 «Намалар».
13.40 «Орган - дарё».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Хидоят сари».
14.35 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
15.05 «Хайт». Х/ф.
15.30 «Чол ва денгиз». Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эркин фикр».
17.20 «Қўнларнинг бирида».
17.35 «Икким».
17.40 «Аёл ва замон».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
18.15 «ТВ-шифокор».
18.20 «Корачик».
18.40 «Рухшунос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/.
20.05 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.10 «Кўнгил қўшиқ истади».
22.25 «Сокин уй». Т/с.
23.05 - 23.35 «Коинот тилсими». Х/ф.
23.35 Кўрсатувлар дастури.
23.40 «Мен ва У».
00.05 «Кўнгил ободлиги».
00.25 «Икким».
00.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
01.00 «Ахборот»/рус/.
01.30 ТелеТеатр: «Такдир».
1-кисм.
02.15 «Икким».
02.20 «Ватанпарвар».
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
04.00 «Ахборот».
04.40 Миллий сериал: «Фидойилар».
05.10 «Корачик».
05.30 «Икким».
05.35 - 05.55 «Орган - дарё».

Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».
06.10 «Дилга кин қўшиқлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.50 «Истан афсонаси». Т/с.
08.40 «Ёшлар наволари».
09.00 «Эгизаклар». Т/с.
09.50 «ЎзЕХ».
10.00 «Ахборот»/рус/.
10.10 «Мехмонхоналардан айланыш». Т/с.
10.50 «Ташти тухфаси».
11.40 «Қишлоқдаги тенгдош».
12.00 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Телетухфа».
13.00 «Давр».

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Коинот тилсими». Х/ф.
07.30 Миллий сериал: «Фидойилар».
08.00 «Ахборот».
08.40 «Тирок сайёра». Х/ф.
09.30 «Эркин фикр».
09.40 «Корачик».
10.00 «Рухшунос». Т/с.
10.45 «Чангитингтоннинг қувнок паровозчалари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Билимдон». Интеллектуал ақшлар.
13.50 «Заркант».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Кўрганларимиз хақида».
14.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
15.10 «Хайт». Х/ф.
15.35 «Икким».
15.40 «Қишлоқ ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Менинг боғим».
16.30 «Ахборот»/инглиз/.
16.40 «Маҳалладаги полигон».
17.00 «Ахборот».
17.10 2014 йил - «Соғлом бола йили». «Соғлом келажак».
17.25 «Икким».
17.30 «Қонун-устувор».
17.40 «Кўнгил қўшиқ истади».
18.15 «Хаммаси ҳаёт хақида».
18.40 «Рухшунос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/.
20.05 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
22.15 «Сокин уй». Т/с.
22.55 - 23.25 «Коинот тилсими». Х/ф.
23.25 Кўрсатувлар дастури.
23.30 «Хаммаси ҳаёт хақида».
23.55 «Менинг боғим».
00.15 «Соғлом келажак».
00.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
01.00 «Ахборот»/рус/.
01.30 ТелеТеатр: «Такдир».
2-кисм.
02.15 «Қишлоқ ҳаёти».
02.35 «Икким».
02.40 «Фусункор нақшлар».
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
04.00 «Ахборот».
04.40 Миллий сериал: «Фидойилар».
05.10 «Кўрганларимиз хақида».
05.35 - 05.55 «Устурлоб».

Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».
06.10 «Дилга кин қўшиқлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.50 «Истан афсонаси». Т/с.
08.40 «Ёшлар наволари».
09.00 «Эгизаклар». Т/с.
09.50 «ЎзЕХ».
10.00 «Давр».
10.10 «Мехмонхоналардан айланыш». Т/с.
10.50 «Ташти тухфаси».
11.40 «Соғлом оила - соғлом

13.10 «Зоолимпиада».
13.50 «Бошсиз чавандоз». Б/ф.
15.30 «Илҳом қанотлари».
15.50 «ЎзЕХ».
16.00 «Давр».
16.10 «Изопар». Т/с.
17.10 «Камолот-инфо».
17.20 «Автопарул».
17.40 «Ситлапурил Гита». Б/ф.
1-кисм.
18.50 «ЎзЕХ».
19.00 «Давр».
19.30 «Изабелла». Т/с. Премьераси.
20.20 «Ёшлар наволари».
20.40 «Табассум қил».
20.50 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Австралия - Испания (жонли эфир)
22.50 «Юрт келажак».
23.00 «Давр».
23.30 «Алибобо». Б/ф.
01.00 «Жаҳон мусикаси».
02.10 «Зоолимпиада».
02.50 «Бошсиз чавандоз». Б/ф.
04.20 «Ватанпарвар».
05.00 «Изопар». Т/с.
05.30 - 06.00 «Давр».

Тошкент

05.00 «Салом, Тошкент!»
06.10 «Акс садо». Ток-шоу
07.00 «Пойтахт».
07.20 «Ҳазил гулшани».
07.30 Тошкент тароналари.
07.45 «Интеллектуал ақшлар».
08.00 «Салом, Тошкент!»
09.00 «Жаҳон чемпионати - 2014».

ДУШАНБА, 23

09.05 Мультсериал: «Чип ва Дейл».
10.00 «Интервью».
10.30 Миллий сериал: «Қисмат битиги». 12-кисм.
10.50 «Юлларим».
11.00 «Пойтахт»/рус тилида/.
11.45 «Камер оркестрининг концерти».
11.55 «Адолат мезони».
12.00 «Жуманжик». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Таянч нуқтаси».
15.40 «Интеллектуал ақшлар».
15.55 «Саргузаштлар ороли».
16.20 Мультсериал: «Айқича Гамми».
16.45 «Бизнес-пойтахт».
16.50 «Икки такдир». Т/с. 230-кисм.
17.15 «Қонун доирасида».
17.30 «Эко-пойтахт».
17.40 «Эртамиш эгалари».
17.55 «Интервью».
18.05 «Менинг маҳаллам».
18.30 «Пойтахт».
18.55 «Бакч қўғон».
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
19.55 «Юлларим».
20.00 «Пойтахт».
20.30 «Пойтахт»/руслар тилида/.
20.50 Миллий сериал: «Қисмат битиги». 13-кисм./Премьера/.
21.30 «Теле-маркет».

21.45 «Ёз ифори». Т/с. 18-кисм.
22.30 «Пойтахт»/рус тилида/.
22.50 «Как украсть небоскрёб».
Х/ф.
00.25 «Джунгли». Д/ф.
01.15 «Помни меня». Х/ф.
02.55 «Юлларим».
03.05 «Бизнес-пойтахт».
03.10 - 05.00 «Ошпаз». Б/ф.

Спорт

06.00 «Хайри тунг!»
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 «Корачик спорт».
06.25 Тонгги гимнастика.
06.30 «Озулар кемаси».
07.00 «SPORT-EXPRESS».
08.00 ХАБАРЛАР.
08.25 АНОНС.
08.30 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Бельгия - Россия.
10.10 «Sport rekordlar».
10.15 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Жанубий Корея - Жапон.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Теннис. АТР/ВТА турнири.
15.20 Профессионал бокс.
16.10 АНОНС.
16.15 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Ахш - Португалия.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Болалар спорти».
18.25 «Спорт - превью».
18.30 ХАБАРЛАР.
18.40 АНОНС.
18.55 «Техно - спорт».
19.05 «Футбол шархи».
19.55 «SPORT-MARKET».
20.00 ХАБАРЛАР.
20.15 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.
20.50 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Голландия - Чили. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.55 АНОНС.
23.00 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Австралия - Испания.
00.45 АНОНС.
01.50 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Камерун - Бразилия. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
02.55 АНОНС.
03.00 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Хорватия - Мексика.
04.45 АНОНС.
04.50 - 05.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00, 08.00, 11.00, 14.00, 02.00
Новости
07.05 «Поле чудес»
08.10 «Контрольная закупка»
08.35 «Жить здорово!»
09.35 «Модный приговор»
10.30 «Фазенда»

11.15 «Сегодня вечером»
13.20 «Время обеда»
14.15, 03.05 «В наше время»
15.15 «Они и мы»
16.05 «Наедине со всеми»
17.30 «Вечерние новости»
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Путь говорят»
20.00 «Время»
20.30 Сериал «Единственный мой грех»
22.15 «Политика»
23.10 «Вечерний Ургант»
23.50 Худ. фильм «Левая рука Бога»
01.15 Ночные новости
01.20, 02.05 Худ. фильм «Большой переполох в маленьком Китае»

Россия

04.00 Утро России
04.45 Футбол. Чемпионат мира. США - Португалия
07.00 Утро России
08.00 «Кузюкина мать. Итоги».
08.55 «О самом главном». Ток-шоу
09.30 «Дневник Чемпионата мира»
10.00 Вести
10.05 Вести-Москва
10.50 Вести. Дежурная часть
11.00 Сериал «Тайны следствия»
12.00 «Особый случай»
13.00 Вести
13.30 Вести-Москва
13.50 Вести. Дежурная часть
14.00 Сериал «Джамайка»
15.00 Сериал «Пока станица спит»
16.00 Вести
16.45 Вести-Москва
17.05 Вести. Дежурная часть
17.15 «Прямой эфир»
18.35 Вести-Москва
19.00 Вести
19.55 Худ. фильм «Реальный папа»
21.50 Худ. фильм «Сайд-степ»
00.55 Футбол. Чемпионат мира. Австралия - Испания

НТВ

5.00 «НТВ утроем»
7.40 Т/с «Возвращение Мухоморова»
9.00 Сегодня
9.20 Т/с «Возвращение Мухоморова»
9.55 До суда
10.55 Суд присяжных
12.00 Сегодня
12.25 Суд присяжных
13.55 Дело врачей
14.35 Обзор. Чрезвычайное происшествие
15.00 Сегодня
15.25 Прокруцкая проверка
16.00 Ток-шоу «Говорим и показываем»
17.35 Обзор. Чрезвычайное происшествие
18.00 Сегодня
18.55 Т/с «Шеф-2»
20.50 Т/с «Пляж»
22.00 Сегодня. Итоги
22.25 Т/с «Пляж»
23.10 Т/с «Чужой район»
0.05 Главная дорога
0.40 Дикий мир
1.05 Т/с «Хранитель»
2.05 Т/с «Зверобой»
4.00 Т/с «Москва. Три вокзала»

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Коинот тилсими». Х/ф.
07.30 Миллий сериал: «Фидойилар».
08.00 «Ахборот».
08.40 «Тирок сайёра». Х/ф.
09.30 «Сархад билмас дўстлик».
09.45 «Агропол».
10.00 «Рухшунос». Т/с.
10.45 «Чангитингтоннинг қувнок паровозчалари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Одил суд».
13.45 «Об-хаво мўжизалари».
Х/ф.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Устурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
15.05 «Хайт». Х/ф.
15.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
16.15 «Икким».
16.20 «Энгилангаётган юрт».
16.40 «Фусункор нақшлар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Сен ёлғиз эмассан».
17.25 «Қўнларнинг бирида».
17.40 «Парламент вақти».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
18.15 «ТВ-шифокор».
18.20 «Нигҳо».
18.40 «Рухшунос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/.
20.05 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўнгил ободлиги».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
22.15 «Нотаниш аёл». Б/ф. 1-кисм.
22.55 - 23.25 «Коинот тилсими». Х/ф.
23.25 Кўрсатувлар дастури.
23.30 «Қўнларнинг бирида».
23.45 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
01.00 «Ахборот»/рус/.
01.30 ТелеТеатр: «Такдир».
2-кисм.
02.15 «Кўнгил ободлиги».
02.35 «Мусаллоф маскан».
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
04.00 «Ахборот».
04.40 Миллий сериал: «Фидойилар».
05.10 «Устурлоб».
05.30 «Шарк тароналари».
05.40 - 05.55 «Энгилангаётган юрт».

Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».
06.10 «Дилга кин қўшиқлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.50 «Изабелла». Т/с.
08.40 «Ёшлар наволари».
09.00 «Эгизаклар». Т/с.
09.50 «ЎзЕХ».
10.00 «Давр».
10.10 «Мехмонхоналардан айланыш». Т/с.
10.50 «Ташти тухфаси».
11.30 «Навои сабақлари».
11.40 «Давр мавзуси».
12.00 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Телетухфа».
13.00 «Давр».
13.10 Футбол. Жаҳон чемпионати-2014 (такрор)

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.00 «Коинот тилсими». Х/ф.
07.30 Миллий сериал: «Фидойилар».
08.00 «Ахборот».
08.40 «Тирок сайёра». Х/ф.
09.30 «Эркин фикр».
09.40 «Корачик».
10.00 «Рухшунос». Т/с.
10.45 «Чангитингтоннинг қувнок паровозчалари». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мерос». Б/ф. 1-кисм.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Хаммаси ҳаёт хақида».
14.40 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
15.10 «Хайт». Х/ф.
15.35 «Икким».
15.40 «Ўзбекистон - умумий умумиз».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Оналар мактаби».
16.30 «Ахборот»/инглиз/.
16.40 «Қаллоблик ёхуд оқ халатдаги доғлар».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Қўнларнинг бирида».
17.25 2014 йил - «Соғлом бола йили».
17.45 «Менинг боғим».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истади».
18.15 «Мен ва У».
18.40 «Рухшунос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»/рус/.
20.05 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муъжизалар макони».
22.05 «Нигҳо».
22.50 «Кўнгил қўшиқ истади».
22.55 «Нотаниш аёл». Б/ф. 2-кисм.
23.30 - 00.00 «Ой». Х/ф.
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Мен ва У».
00.30 Миллий сериал: «Чемпионлик орусси».
01.00 «Ахборот»/рус/.
01.30 ТелеТеатр: «Амандар уйлари».
1-кисм.
02.15 «Мехрибон».
02.35 «Шарк тароналари».
02.45 «Қўнларнинг бирида».
03.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
04.00 «Ахборот».
04.40 Миллий сериал: «Фидойилар».
05.10 «Оналар мактаби».
05.30 - 05.55 «Муъжизалар макони».
06.00 «Ватан меҳри».
06.10 «Дилга кин қўшиқлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.50 «Изабелла». Т/с.
08.40 «Ёшлар наволари».
09.00 «Эгизаклар». Т/с.
09.50 «Оғоҳ бўлинг!»
10.00 «Давр».
10.10 «Мехмонхоналардан айланыш». Т/с.
10.50 «Ташти тухфаси».
11.40 «Атлатулар».
12.00 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Телетухфа».
13.00 «Давр».
13.10 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014 (такрор)
14.50 «Шероқар». Б/ф.
15.50 «Оғоҳ бўлинг!»
16.00 «Давр».

Ёшлар

06.00 «Ватан меҳри».
06.10 «Дилга кин қўшиқлар».
07.00 «Мультипанорама».
07.50 «Изабелла». Т/с.
08.40 «Ёшлар наволари».
09.00 «Эгизаклар». Т/с.
09.50 «Оғоҳ бўлинг!»
10.00 «Давр».
10.10 «Мехмонхоналардан айланыш». Т/с.
10.50 «Ташти тухфаси».
11.40 «Атлатулар».
12.00 «Пуаро». Т/с.
12.50 «Телетухфа».
13.00 «Давр».
13.10 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014 (такрор)
14.50 «Шероқар». Б/ф.
15.50 «Оғоҳ бўлинг!»
16.00 «Давр».

14.50 «Шероқар». Б/ф.
15.50 «ЎзЕХ».
16.00 «Давр».
16.10 «Изопар». Т/с.
17.00 «13-студия».
17.30 «Элигини йўқотиш».
18.00 «Биз».
18.50 «ЎзЕХ».
19.00 «Давр».
19.30 «Изабелла». Т/с.
20.20 «Табассум қил».
20.40 «Табассум қил».
20.50 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Босния ва Герцеговина - Эрон (жонли эфир)
22.50 «Юрт келажак».
23.00 «Давр».
23.30 «Такси-2». Б/ф.
00.50 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Греция - Кот д'Ивуар (жонли эфир)
02.50 «Шероқар». Б/ф.
03.50 «Унутилмас оҳанглар».
04.20 «Соғлом оила - соғлом бола».
04.40 «Миллий мерос».
05.00 «Изаат». Т/с.
05.30-06.00 «Давр».

Тошкент

05.00 «Салом, Тошкент!»
06.10 «Ёз ифори». Т/с. 19-кисм.
07.00 «Пойтахт».
07.20 «Ҳазил гулшани».
07.30 Тошкент тароналари.
07.45 «Интеллектуал ақшлар».
08.00 «Салом, Тошкент!»
09.00 «Жаҳон чемпионати - 2014».
09.05 Мультсериал: «Чип ва Дейл».
30-кисм.

ЧОРШАНБА, 25

09.25 «Интервью».
09.35 Миллий сериал: «Қисмат битиги». 14-кисм.
10.15 «Шаҳрим».
10.30 «Пойтахт»/рус тилида/.
10.45 «Тенгдошлар».
11.05 «Тошкентнинг илм масканлари».
11.25 «Омдасиз ўйинчи». Б/ф.
11.30 «Салом, Тошкент!»
11.40 «Дунё» теледастури.
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Оила шифокори».
15.25 «Менинг шахрим».
15.45 «Антика мантқиқ».
16.25 Мультсериал: «Айқича Гамми». 26-кисм.
16.45 «Бизнес-пойтахт».
16.50 «Икки такдир». Т/с. 232-кисм.
17.10 «Интеллектуал ақшлар».
17.20 «Қувнок коиноти»/инглиз тилида/.
17.45 «Эртамиш эгалари».
18.00 «Интервью».
18.10 «Адолат мезони».
18.30 «Пойтахт».
18.55 «Истеъод».
19.10 «Мисли гахлар».
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 «Теле-маркет».
19.55 «Юлларим».
20.00 «Рўйхат news».
20.20 «Бунёдкор».
20.50 Миллий сериал: «Қисмат битиги». 15-кисм.
21.30 «Теле-маркет».

21.45 «Ёз ифори». Т/с. 20-кисм.
22.30 «Пойтахт»/рус тилида/.
22.50 «Профессионал».
23.10 «Доброе утро»/Х/ф.
00.55 «Всё о туризме».
01.25 «Холостяк»/Х/ф.
03.05 «Ейларим».
03.15 «Бизнес-пойтахт».
03.20-05.00 «Затура». Б/ф.

Спорт

06.00 «Хайри тунг!»
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 «Ифтихоримсан, спорт!»
06.25 АНОНС.
06.30 Тонгги гимнастика.
06.40 «Менинг танловим».
07.00 «SPORT-EXPRESS».
08.00 ХАБАРЛАР.
08.10 АНОНС.
08.15 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Камерун - Бразилия.
09.55 АНОНС.
10.00 Самбо. Осиё чемпионати. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Теннис. Уимблдон турнири.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Хорватия - Мексика.
16.05 АНОНС.
16.10 Футбол. Жаҳон чемпионати - 2014. Италия - Уругвай.

Россия

04.55 Утро России
08.00 «Кузюкина мать. Итоги».
08.55 «О самом главном». Ток-шоу
09.30 «Дневник Чемпионата мира»
10.00 Вести
10.05 Вести-Москва
10.50 Вести. Дежурная часть
11.00 Сериал «Тайны следствия»
12.00 «Особый случай»
13.00 Вести
13.30 Вести-Москва
13.50 Вести. Дежурная часть
14.00 Сериал «Джамайка»
15.00 Сериал «Пока станица спит»
16.00 Вести
16.45 Вести-Москва
17.05 Вести. Дежурная часть
17.15 «Прямой эфир»
18.35 Вести-Москва
19.00 Вести
20.00 Худ. фильм «Секта»
22.45 Футбол. Чемпионат мира. Нигерия - Аргентина
00.55 «Кузюкина мать. Итоги».
01.05 «О самом главном».

НТВ

5.00 «НТВ утроем»
7.40 Т/с «Возвращ

